



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Холбеков Муҳаммаджон
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Главный редактор:
Холбеков Мухаммаджон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Editor in Chief:
Kholbekov Muhammadjan
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Тўхтасинов Илҳом
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:
Тухтасинов Илхом
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Deputy Chief Editor
Tuhtasinov Ithom
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Таҳрир ҳайъати:

Редакционная коллегия:

Editorial Board:

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Якуб Умар оғли
д.ф.н., профессор (Туркия)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Боқиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Балтабаев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Юсупов Ойбек
масъул котиб, доцент
(Ўзбекистон)

Юсупов Ойбек
доцент (Узбекистан)
отв. секретарь

Yusupov Oybek
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior
Secretary

Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Тилшунослик / Языкознание / Linguistics

- 1.Карабаева Б.Б.**
КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....5
- 2.Мавлонов О.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕОЛИНГВИСТИКА.....11
- 3.Маннонова С.А.**
РАСМИЙ ХАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
СУБЖАНРЛАРИ.....19
- 4.Мўминова Д.А.**
ДЕЙКСИСНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ.....26
- 5.Тоирова Д.Ф.**
ЭМИЛЬ ЗОЛЯНИНГ АСАРЛАРИДА КУНЛИК ФАОЛИЯТНИ ТАҲЛИЛ
ЭТИШ.....38
- 6.Shukurova B.B.**
NAZAR ESHONQUL NI KOYALARIDA KONTRAST USULINING
AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY ASPEKTLARI.....45

Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

- 7.Жуманова Д.Қ.**
МУМТОЗ ҲАЗАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ.....52
- 8.Назаров С.Ҳ.**
Й.В.ГЁТЕ "ФАУСТ" АСАРИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРА ТАҲЛИЛИ.....58
- 9.Шофиев О.**
ЎЗ МУҲИТИГА СИФМАГАН ОДАМ ОБРАЗИ (Эркин Аъзам ижоди мисолида)..66
- 10.Юлдашева Д.М.**
СИНТАКТИК ТАКРОРЛАРНИНГ БАДИИЙ- ЭСТЕТИК ИМКОНИЯТЛАРИ..75

Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

- 11.Муҳамедов Х.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ ФАН СИФАТИДА
ШАКЛЛАНИШИ (ҲАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ "ТИЛ ВА ТАРЖИМА"
МОНОГРАФИЯСИ МИСОЛИДА).....81

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


12. Гулямова Г.Я. БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ХУСУСИЯТИ.....	87
13. Мирзаахмедова М.Й. ТАРЖИМА ИЛМИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАР.....	94
14. Улмасбаева М.А. КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ.....	105
Санъат ва журналистика/ Искусство и Журналистика / Arts and Journalism	
15. Музаффарова С.Х. МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА СЎЗ, МУСИҚА ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги мисолида).....	113
16. Мусаева Н.А. ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕК-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ("БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА).....	118
17. Ходжиматова М.К. СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ.....	123
18. Ибрагимова У. ЖОНЛИ СЎЗНИНГ САҲНАВИЙ ИФОДАВИЙЛИГИ.....	129
Лингводидактика ва методика/ Лингводидактика и методика/ Linguodidactics and methodology	
19. Зоирова Д.А. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ-КУМУЛЯТИВ МЕТОД АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	135
20. Иканова Л.С. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ОНА ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	145
21. Хасанова Д.К. ХАЛҚАРО PIRLS БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ЎҚИШ ВА ЁЗУВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИ.....	152
22. Имамова У.М. ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	162

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

Жуманова Дилрабо Қадамбоевна
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
"Саҳна нутқи" кафедраси ўқитувчиси

МУМТОЗ ҲАЗАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-5-7>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек мумтоз шеърлятида гўзал талқинга эга бўлган ҳазаллар таҳлили ва ижро услубларига тўхталиб ўтилади. Ҳазалларнинг таркибий тузилиши, композицион қурилиши ҳамда ижроси борасидаги таҳлилий фикрлар содда ва ихчам тарзда тақдим қилинади.

Калит сўзлар: Аруз, ҳазал, мактаъ, матлаъ, сюжет, композиция, тезис, антитезис, синтез.

Жуманова Дилрабо Қадамбаевна

Преподаватель кафедры "Сценическая речь" государственного института искусств и культуры Узбекистана

АНАЛИЗ И ТОЛКОВАНИЯ ИЗБРАННЫХ ГАЗЕЛЕЙ

АННОТАЦИЯ

Эта статья посвящена анализу и исполнению газелей, которые прекрасно интерпретируют узбекскую классическую поэзию. Аналитические мысли о структуре, составе и производительности газелей представлены в простой и компактной форме.

Ключевые слова: Аруз, газел, мактаъ, матлаъ, сюжет, композиция, тезис, антитезис, синтез.

Jumanova Dilrabo Kadamboyevna,

Lecturer of Department "Stage Speech" of the
State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan

ANALYSIS AND INTERPRETATION OF SELECTED GAZELLES

ANNOTATION

This article is devoted to the analysis and performance of gazelles that perfectly interpret Uzbek classical poetry. Analytical thoughts about the structure, composition and performance of gazelles are presented in a simple and compact form.

Key words: Aruz, gazelle, makta', matla', plot, composition, thesis, antithesis, synthesis.

Ўзбек мумтоз шеърлятида аруз вазнида ёзилган фард, рубоий, туюқ, қитъа, қасида, муаммо, ғазал, таркиббанд, таржиъбанд сингари бир қанча жанрлар мавжудки, буларнинг орасида ғазал жанри алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўазал уммондир, унда барча шеърлий санъатлар, сюжет қурилмалари, адибнинг ўй-хаёллари, дарди-дунёси, мақсад ва ғоялари бир бутун воқеаликни ташкил этади. Ўазалда аёлларни мадҳ этиш, уларнинг гўзаллигини куйлаш билан бирга ошиқнинг қалб кечинмалари, изтироблари ранг-баранг талқинда намоён бўлади, шу боис ҳам ғазални ошиқ қалбларнинг монологи дейиш мумкин.

Бадиий сўз маҳорати билан шуғулланувчи талабалар ғазал ижрочилигида аввало, назарий маълумотларни қунт билан ўрганиб чиқиши зарур, негаки аруз вазнида ёзилган шеърлий асарларнинг ўз ижро услублари адибларимиз томонидан махсус кўрсатиб ўтилган ва ғазал ижрочилигида белгиланган тартиб-қоидалар ижрочининг ҳиссий муносабати билан ранг-баранг талқинга эга бўлади. Шу ўринда ғазал жанри ва ижро услубларида талаба нималарга аҳамият қаратишига тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

"ўазал" атамаси араб тилидан олинган бўлиб, луғавий маъносига кўра, "хотин-қизларга хушомад қилиш, уларни мадҳ этиш" маъноларини англатади. Илмий атама сифатида ғазал ишқ-муҳаббатни куйлайдиган лирик шеърга нисбатан қўлланилади. Ҳажм жиҳатидан ғазал уч байтдан то ўн тўққиз байтга қадар бўлиши мумкин. Биринчи байт матлаъ (мабдаъ)даги мисралар ўзаро қофияланган бўлади, қолган байтлардаги жуфт мисралар матлаъга қофиядош бўлади. ўазалнинг охириги байти мақтаъ деб юритилади ва унда шоирнинг адабий таҳаллуси қўлланилади. Баъзан таҳаллус мақтаъдан битта олдинги байтда ҳам берилиши мумкин. Матлаъда айтилган асосий фикр кейинги байтларда ривожлантирилиб, мақтаъда яқунланади [2,214b].

ўазаллар таркибий тузилишига кўра пороканда яъни ҳар бир байти мустақил фикрга эга бўлган, умумий ғоявий бирлик мужассам бўлган ғазаллар ва яқпора - воқеабанд ғазаллардир. Талаба ғазал танлаётганда албатта, композицион қурилмага эга бўлган, лирик ғазаллар устида иш олиб борса, унинг ижросида ва томошабин нигоҳида воқеалар тизимли равишда тасвирлаб борилади. Бу каби танловларнинг олиб борилиши талаба аҳамият қаратиши керак бўлган жараёнлардан биридир.

ўазал тўғрисида умумий фикрлар шакллангандан сўнг талаба ўзи мустақил равишда битта ғазални таҳлил қилиб, ижрода нималарга аҳамият қаратиши кераклигини ён дафтарига қайд қилиб боради, бунда эса куйидаги кўрсатмаларга диққат қилиши талаб этилади:

- ўазал муаллифи ва ёзилиш тарихи тўғрисидаги манбалар ўрганилиб чиқилади;
- Форс-тожик, туркий тиллардаги сўзларнинг луғавий маъноси изоҳли ҳамда аруз луғатларидан фойдаланилган ҳолда ёзиб борилади;
- ўазалнинг насрий баёни ҳамда мазмуни ўрганилади;
- ўазалдаги қофия ҳамда радиф сўзлар ажратилади;

ўазалнинг парадигмаси (бахр, рукн) аниқланади;
 Композицион қурилмаси (тезис, антитезис, синтез) белгилаб чиқилади;
 ўазалнинг таркибий тузилиши ажратиб кўрсатилади;
 ўазал ижроси устида ижодий кўникмалар топилади;

Ушбу кўрсатмалар асосида ғазалларни ўқиш, уни тушуниш, ижроси устида амалий кўникмалар белгилаб борилади. Шу ўринда Алишер Навоийнинг "Эй насими...." деб бошланувчи ғазалини юқоридаги таҳлиллар асосида ўрганиб, ғазалдаги ҳар бир байт мазмунинасрда ифодалаб берилади:

Эй насими / субҳ, аҳво / лим дилоро / мимға айт,
 Зулфи сунбул, / юзи гул сар / ви гуландо / мимға айт.

(Эй тонг ели, аҳволимни юзи гулдай чиройли, сочи сунбулдай хушбўй, қомати сарвдай тик ва гул каби нозик дилга ором берувчи ёримға айт)

Буки лаъли / ҳасратидин / қон ютармен / дам-бадам,
 Баъзи айш ич / ра лабо-лаб / бодаошо / мимға айт.

(Унинг лаълдай қизи лаби ҳасратидан бот-бот қон ютишимни қизил майдан пиёлани лиммо-лим тўлдириб ичаётган ва айш қилаётган маҳбубимға етказ)

Ком - талху / бода - захру / ашк рангин / бўлганин
 Лаъли ширин, / лафзи рангин, / шўхи худко / мимға айт.

(Бахтим қора, ичаётган бодам захар, қон йиғлаётганимни лаби ширин, сўзлари гўзал ва ранг-баранг, ўзига бино қўйган шўхи жононимға айт)

Шоми ҳижрон / рўзгоринг / тийра нечун / қилди, деб
 Сўрмағил мен / дин бу сўзни, / субҳи йўқ шо / мимға айт.

(Ҳижрон шоми ҳаётингни нега қаронғи қилди деб мендан сўрама, буни тонги йўқ шошимға айт)

Ул пари ҳаж / рида нангу / номким тарк / айладим
 Кўнгил отлиғ / ҳажр водий / сида бадно / мимға айт.

(Паридай ул гўзал маҳбуба фироқда ор-номусдан айрилганимни ҳижрон водийсида оввора кўнгил отлиғ бадномимға айт)

Эй каромат / гўй, ишим о / гоzi худ ис / ён эди,
 Шамъи раҳмат / партави ет / кайму анжо / мимға, айт.

(Эй башоратчи, менинг ишимнинг бошланишининг ўзи итоатсизлик, саркашлик (гуноҳ) эди, аммо охирида шамъи раҳмат-илоҳий файз нури етадими менга, шундан хабар бер)

Йўқ Навоий / бедил оро / ми ғам ичра, / эй рафиқ,
 Ҳолини зин / ҳорким, кўр / санг, дилоро / мимға айт.

(Эй дўст, Навоийнинг ғам ичида дилсиз орому қарори йўқ, бу аҳволимни агар кўрсанг, албатта, дилоромимға айт)[3,77-78b]

Талаба ушбу ғазалдаги сўзларнинг луғавий маъносини ўрганиб, қуйидаги кўринишда ёзиб боради:

Насим - тонг шамоли, енгил, ёқимли шабада

Сунбул - ингичка баргли, гуллари ҳалқа-ҳалқа, кўнғироқсимон ва хушбўй ўсимлик. Маъшуканинг сочи ҳалқа-ҳалқалиги ва муаттар ҳид таратиши жиҳатидан сунбулга нисбат берилади

Гуландом - гулбадан, гўзал қоматли, хушбичим.

Бодаошом - шароб ичувчи

Ком - оғиз, мурод-мақсад, орзу, бахт

Талх - аччиқ

Ашк - кўз ёши
 Лафз - сўз
 Худком - фақат ўз манфаатини кўзловчи, худбин
 Рўзгор - 1) давр, замон; 2) тақдир, қисмат; 3) турмуш, ҳаёт
 Тийра - қоронғи
 Нангу ном - ор-номус, обрў-эътибор
 Кароматгўй - башоратчи, гайбдан хабар берувчи
 Оғоз - бошланиш, киришиш, ибтидо
 Партав - нур, ёғду, шуъла ёруғлик
 Анжом - охир, оқибат, натижа; поён, тугаш, интиҳо
 Бедил - дилини бой берган, дилсиз, ошиқ, мубтало [1]

Ўзални ўқишда мантиқан урғу оладиган сўзлар ажратилади ва ижро жараёнида қофия тарзида келган сўзлар жонли нутқда ифодавийлик касб этади, шу боис ҳам ғазалларнинг қофиясига алоҳида аҳамият қаратиб, ижрода мантиқий фикр билан ажратиш талаб қилинади. Масалан, "дилором, гуландом, бодаошом, худком, шом, бадном, анжом, дилором" сўзлари қофияли сўзлардир ва бу сўзлар асосий фикрни очиб беришда бирламчи бўлиб хизмат қилади. Қофиядан кейин, такрорланиб келувчи "айт" сўзи радиф сифатида қатнашиб, мантиқий фикрлар изчиллигида гўзал жарангга эга бўлади.

"Эй насими..." ғазали парадигмаси қуйидаги кўринишда ажратиб чиқилади, бу эса ижрода хижоларнинг узун қисқалигини тўғри ва оқилона ифодалашни кўрсатиб беради:

Фо и ло тун / Фоило тун / Фоило тун / Фоилун /
 - V - - / - V - - / - V - - / - V - /

Яъни рамал баҳрининг мусамман рукнида ёзилган, қусурли ғазалдир ва бу ғазалнинг номланиши "Рамали мусаммани маҳзуф" деб юритилади.

Ўзални ижро қилишда ижодкор аввало, композицион қурилмасига диққат қилиши талаб қилинади, негаки ғазал ижросида ортиқча бўрттиришлар, ноўрин ва сохта хисларга эргашмаслик, ғализ оҳанглар бирламчи бўлмаслиги учун асосий фикрлар босқичма-босқич ўрганиб борилади, бунда эса ғазалларни қуйида бўлақларга ажратиб олиш тавсия қилинади:

" Тезис-ошиқнинг айтмоқчи бўлган фикри, муаммоси ҳамда мавзуси ўртага ташланади, воқеалар бошланишига сабаб бўлувчи тугун биринчи, иккинчи байтлар;

" Антитезис- асосий фикрнинг қарама-қаршилиқлар билан ўсиши, воқеалар ривожини учинчи, тўртинчи байтлар;

" Бешинчи байт - ошиқ ҳолатинининг авж нуқталарига чиқишини кўрсатади;

" Олтинчи байт - тезис ва антитезисда айтилган асосий фикрлар, ошиқ ва маъшуқа ўртасидаги муаммоли вазиятларни умумлаштириб, хулоса учун кўприк вазифасини ўтайди;

" Синтез- Тезисда айтилаётган фикрлар ечими, муаммоларнинг бартараф этилиши, ошиқнинг чиқарган хулосаси асар сўнгида акс этади, ҳаётий ҳикмат, қисматини англаш каби омиллар билан бирга асосий гоё намоён бўлади;

Ушбу ғазални юқорида айтиб ўтилган вазифалар асосида ўрганиб, қуйидаги умумий хулоса келиб чиққанлигини кўриш мумкин, яъни ғазалнинг таркибий тузилиши етти байтдан иборат бўлиб, яқпора ғазаллар туркумига мансуб ошиқона ғазалдир, асосий мавзуси эса самимий ва пок ишқни тараннум қилиш. Ижодкор

ғазал ўқишда шу каби вазифаларга аҳамият қаратса, жонли ва таъсирчан нутқида бир гўзал дил достонини яратганини англаб етади.

Қанча вақт ўтса-да, қимматини йўқотмайдиган Алишер Навоийнинг "Қаро кўзум" ғазалини ҳам парчасини таҳлил қилсак, ушбу нодир ғазалдан мисол:

Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.
(Отинг оёқларига бағрим қонини ҳино қилиб суртиб ол,
Итингга эса бўйинбоғ учун жонимнинг ғамзада ипини боғлаб олгин.)

Юқоридаги шарҳдан маълум бўлганидек, жонини баҳам кўришга рози солиқ, энди бағир қонини ҳино учун беришга тайёр. Савол туғилади: "От оёғига нима учун ҳино боғлаш керак?". Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобида келтирилишича, ўтмишда овчилар овга чиқиш олдидан отларнинг оёғи ва думига ҳино боғлар экан... Ана энди тасаввур қилинг: "Қаро кўз"ли, ладун сўзли бир Ёр овга кетмоқда, унинг тагида оёқларига ошиқнинг бағир қонидан ҳино суртилган ўйноқи таковари (от). У билан яна бир содиқ ҳамроҳ бор: бу - ит (қадимда овга қуш ёки ов ити билан бирга чиқиш расм бўлган).

Икки оғиз ит ҳақида. Мумтоз адабиётда ит садоқат, вафодорлик рамзи сифатида кўп қўлланади. Шарқ ғазалчилигида кўпинча ёрига етиша олмаса, унинг ити билан суҳбат қуриш, итига улфат бўлиш, ити билан бирга овқатланишни орзу қилиш кабилар ошиқнинг асосий мақсади бўлган. Хуллас, қонини топширишга тайёр ошиқ жони(жон ипи)ни ҳам беришга шай. У жон риштасини ҳар кимга ҳам эмас, энг садоқатли ва ишонарли бўлган итига топширмоқчи. Бу итга муносиб, ярашиқли бир бўйинбоғ (тасма) бўлишни истайди. Шунда у қора кўзини ҳар куни кўриши, бирга бўлиши, унинг илоҳий суҳбатидан баҳраманд бўлиши, ҳатто унинг нур каби ипакдай майин "қўллари" бу бўйинбоғни кунда бир бор ушлаши ҳам аниқ. Алқисса, бугун қора кўз ўзининг кўплаб ошиқларини овлаб "қурбон" қилади, чунки у ирим билан оти туёғи ва думига "бағир қонидан хино боғла"ган. Бугун бу қора кўзни кўриш, унга етишиш мақсадида риёзат чекиб юрган содиқ солиқлардан кўпи жон таслим этади:

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тоғда Кўҳкан қилғил.
(Эй фалак, айрилиқ тоғида туфроғим (хок) топилса,
Хам(и)р қориб (лой) яна ундан кўҳкан ясагин.)

"Айрилиқ тоғи" қаер? Солиқ мақомотларни эгаллашидаги энг оғир синов. Бу - содиқ ошиқлар қора кўз мазҳарини кўриб жон таслим қилган жой. Бу - руҳ тан қафасидан, кажрафтор фалакдан айрилган жой. Бу айрилиқ - ошиқ учун бахт. Тасаввуфга кўра, ошиқни Ёрдан айириб турувчи душманлар: нафс, тана ва дунё. Бу "фироқ" - чарх учун, ошиқ учун эса бахт, имтиҳон буюк синовдир. Ана энди бу чарх содиқ ошиқ элини кўришни истаса, ундан хамир қилиб (Одам атонинг яратилиши каби) кўҳкан ясагин. Ўшанда ҳам фироқ тоғида топилса... Нега, ҳатто уларнинг хокини ҳам топиш қийин, фарқлаш қийин? Чунки бу қурбон бўлган ошиқларнинг маслагини бир, мақсадини бир-да. Барчаси ҳам қора кўзнинг вафодор ошиқлари. Шунинг учун уларни риёзат йўлида фарқлаш қийин. Фарқи бўлганда

бари баробар жон таслим қилишга рози бўлиб, уларнинг хокидан фироқ тоғи юзага келмас эди. Бу ошиқларнинг барчаси фано тоғининг қўҳқанлари.

Мумтоз газалларни бадий таҳлиллар асосида ўрганиш, ижро услубларини қунт билан ўзлаштириш ижодкорда юксак салоҳиятли билим ва қўникмаларни шакллантиради.

Адабиётлар:

1. Навоий асарлари луғати. Ў.ўулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти Т - 1972 йил
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. № 11 том. Давлат илмий нашриёти. Т - 2005 йил. 214 - бет.
3. Н.Комилов. Навоий газаллари (насрий баён, шарҳ ва изоҳлар) № 1-китоб. 77-78 бетлар
4. Э.Худойбердиев "Адабиётшуносликка кириш" Дарслик. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Т - 2008 йил.
5. Д.Қурононов, З.Мамажанова, М.Шералиева "Адабиётшунослик луғати" қайта нашр. "Академ нашр". Т-2013 йил.

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000